

Кўкон хони Амир Умархон вафотидан сўнг тахтга ўтирган унинг ўгли Мухаммад Алихон бир ишга кўл уради ва охир-окибат ана шу иши унга ажални етаклаб келади. Етти ўлчаб бир кесадиған, оқиллик билан иш юритадиған Амир Умархон ва хассос шоира Нодирабегимнинг ўгли Мухаммад Алихон ўта калтабинлик билан кўр-кўрона сиёсат юрита бошлайди.

Ўз режасини амалга ошириш учун саройнинг содик аъёнларини, отаси даврида кўплаб ззгу ишларга бош бўлган, амирга сидқидилдан хизмат қилган амалдорларнинг кўпчилигини ишдан четлаштиради. Карорига бўйсунмаганларни катл қилдиради. Бу хол эса сарой ичида шохга бўлган адоват ва хусуматнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Катл қилинганларнинг яқинлари, ўз мансабидан айрилган сарой уламолари ва дин пешволари Кўкон хонига қарши фитна уюштирадилар. «Кассоб амир» дея ном қозонган Бухоро амири Насруллохон учун бу айни муддао эди. Кўкон хонлиги амалдорлари томонидан юборилган, Мухаммад Алихоннинг «қора ишлари» битилган мактуб Насруллохонга дoston бўлади. Шунингдек, мактубда Мухаммад Алихоннинг «ўз онасига уйланиб» кофир бўлганлиги ҳам қистириб ўтилганди.

Насруллохон дархол Кўкон хонлигига кўшин тортади. Ҳам кўшин сонининг кўплиги, ҳам тажрибали бўлганлиги боис жангда Бухоро амирининг кўли баланд келади. Кассоб амир 1942 йилда «Кофир Мухаммад Алихон»ни, уқаси Султон Махмудхон ва онаси Нодирабегимни катл эттиради.

Хўш, Мухаммад Алихоннинг гуноҳкор, кофир саналишининг сабаби нима эди? Тарихий манбаларда ёзилишича, Умархон хонлиги даврида Подшоҳхон исмли, хусни жаҳонга дoston бир кизни ёқтириб қолади. Подшоҳхон Фаргона бекларидан бири Махмудбекнинг кизи бўлган. Кизга Амир Умархоннинг ишки тушгач, у саройга тортик қилинади. У амирнинг ўлимидан сал аввал харамга қелтирилган. Подшоҳхон хали ўн яшар кизалоклик пайтидаёқ кўпчилик бекларнинг унга ишки тушган. Киз жуда ёш бўлганлиги боис амир Умархон ҳам балогат ёшига етгандагина унга эғалик қилишни дилига тугиб кўяди. Бирок амир Умархон кўп ўтмай номаълум қасалликдан вафот этади. Тахтга ўн беш яшар Мухаммад Алихон ўтиради. Подшоҳхоннинг қиройи уни ҳам ўзига ром қилади. У қандай қилиб бўлмасин бу гўзалга етишиш йўлини қидиради. Бу пайтда соҳибжамол қанизакнинг таърифу тавсифи Бухорога ҳам тарқалганди.

Қанизакка етишиш орзуси тинчлик бермаган Мухаммад Алихон бу кизга отаси ҳам бефарқ бўлмаганини билса-да, нафси устунлик қилади, дин пешволаридан маслаҳат сўраб, нажот қутади. Отасининг яқинлари «Гарчи отангиз бу кизни никоҳига олмаган бўлса-да, унга уйланишни ниёт қилганди, шу боис Подшоҳхон сизга она қатори, уйланмоғингиз гуноҳ» деб руҳсат бермайдилар. Шундан кейин Мухаммад Алихон бу сирдан воқиф қишилардан аста-секин қутила бошлайди. Баъзиларини саройдан четлаштиради, баъзиларини катл эттиради. Эндигина мансабга минган, амирнинг қазабидан кўрққан амалдорлар эса «Жаннатмақон пақари бузрукворингиз агарчи бул ожизага майл кўргузган эпсалар-да, онинг бирла бўлмагондурлар. Бинобарин, бу ожиза сиз қаноби олиқларига машруъ бўлқай» дея қатво бериб юборадилар.

Ўз ниётига эришган Мухаммад Алихон Подшоҳхон билан кўнгилхушлиқни бошлаб юборади. Аёлнинг ўзидан ўн беш ёш қатталиги амирни қизиктирмайди. У қанизакнинг хусну қамолига мафтун бўлиб қолганди.

«Жабрланган» уламолар адоват ўтида ёниб, «онасига уйланган, кофир бўлган амир»

хакидаги хабарни Бухоро хони Насруллохонга мактуб оркали етказадилар. Кўконни босиб олган «Кассоб Амир» тахтга Иброхим парвоначини ўткизади. Иброхим парвоначининг жабр-зулми Бухоро амириникидан ҳам ошиб кетади. Бу зулмларга чидай олмаган Кўкон халки кўп ўтмай кўзголон кўтариб, Умархоннинг Таласдаги жияни Шералихонни ўзларига хон этиб сайлайдилар.

Амир Насруллохон ҳам Муҳаммад Алихоннинг «гунохкор» бўлишига сабабчи бўлган канизакка ошик бўлиб қолади. Жувонни ўзи билан Бухорога олиб кетади. Бирок кўп ўтмай, кассоб амир ҳукмронлиги таназзулга юз тутади. Хонлар ҳаётида юз берган ўхшаш кўнгилсизликларни қаранг:

Подшоҳхон ҳарамга келтирилгач, амир Умархон номаълум касалликдан вафот этади. Не-не машаққатлар билан унинг васлига етишган Муҳаммад Алихон Насруллохон тигига учраб халок бўлади...

Соҳибжамолни Бухорога, ўз ҳарамига олиб кетган амир Насруллохоннинг ҳукмронлиги парокандаликка юз тутади, ўзи эса сирли тарзда вафот этади.

Канизакнинг қадами етган жойда фалокат юз беришига бир неча бор гувоҳ бўлган амалдор-у беклар Падшоҳхонни «шумкадам канизак» дея эътироф этиб, қатл қилдирадилар.

Бекиёс хусни сабаб дилхираликлар келтирган «шумкадам канизак» гўзаллиги боис ўз бошига этади.

ДИЛРАБО тайёрлади